





### Ҳозирги кунда Ўзбекистонда урбанизация даражаси 50,5 фоизни ташкил этади, яъни мамлакат аҳолисининг шунча фоизи шаҳарларда яшайди. БМТ томонидан ишлаб чиқилган халқаро рейтингга кўра, Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг 233 мамлақати орасида 155-ўринни эгаллаб турибди.

Айни вақтда Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ҳудудий мобиллиги, яъни миграцион ҳаракати суст даражада бўлиб, бунинг оқибатида қишлоқларда аҳолининг бандлик даражаси пастлигича қолмоқда.

Шунингдек, шаҳарлардаги мавжуд уй-жойлар, айниқса, кичик ва ўрта шаҳарларда коммунал хизматлар етарли даражада таъминланмагани, уй-жой қурилиши сиёсатининг мақсадли узоқ мuddатли стратегияси йўқлиги – энг катта муаммолардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, эскирган қурилиш меъёрлари ва қоидалари, жумладан, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда изчил тизим йўқлиги ҳам уй-жой қурилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, уй-жойларни лойиҳалаштириш ва уй-жой комплексларининг сифати пастлигича қолмоқда.

Мазкур масалалар ва бошқа муаммолар мамлакатимизда урбанизация жараёнини жадаллаштиришга ва иқтисодий-ижтимоий ривожланишига тўқсизлик қилмоқда.

Хорижий тажрибадан маълумки, аҳолининг юқори даражада мобиллиги ва эркин ҳаракатланиши давлатлар ривожига, аҳолининг турмуш даражаси ортишига салмоқли улуш қўшадиغان омиллардан биридир.

Шу маънода, Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида урбаниза-

ция жараёнларини жадаллаштирган ҳолда ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш зарурилги алоҳида таъкидланганини нафақат халқимиз, балки кенг халқаро жамоатчилик вакиллари ҳам олқишламоқда.

## Шарҳ

# КЎПЧИЛИК КЎП ЙИЛЛАР ИНТИҚИБ КУТГАН ИСЛОҲОТ

Мурожаатномада жорий йилда еттита йиллик шаҳар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган ва Нукус, Нукусга йўлдош бўлган 12 шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишли бегиланди.

Юқорида санаб ўтилган муаммолардан келиб чиқсак, Президентнинг мазкур ташаббуси орқали берилган вазифаларнинг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини, одамларимиз бундан нима ўнлаш бў қадар мамун бўлишарганини аёнлаш қийин эмас.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда жажоннинг энг катта мегаполисларида дунё аҳолисининг атиги 18

фоизи яшайди, бироқ улар барча иқтисодий бойликларнинг учдан икки қисмини ва 10 та инновациянинг 9 тасини ишлаб чиқаради.

Шаҳарлар доимо инсон тараққиётининг ядроси бўлиб хизмат қилиб келган. Айнан шаҳарларда бойлик тўпланиб, миллионлаб одамлар турмуш даражаси кўтарилган.

Мурожаатномада шу масалага боғлиқ равишда, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудлар ўртасида жуда катта тафовут мавжудлиги ва бунинг ечими ички миграцияни эркинлаштириш экани таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам, айни вақтда Ўзбекистонда аҳолининг ички миграциясини ҳисобга олишнинг эскирган тизими аҳоли пунктларидаги инфратузилмнинг демографик юқини аниқ даражада баҳолашга имкон бермапти.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда аҳолини зич ва кам яшайдиган ҳудудлар ўрта-

сида тенг равишда тақсимлаш, шунингдек, ишчи кучи ортқича бўлган ҳудудлардан ишчи кучи кам бўлган минтақаларга миграция оқимини йўналтиришга имкон берадиган ягона миграция сиёсати мавжуд эмас. Айнан шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари Ҳукуматга парламент билан ҳамкорликда 2020 йил 1 апрелга қадар прописка тизимини ислох қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб чиқиш ва аниқ тақрифларни ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчишини рағбатлантириш, урбанизация ва прописка тизимини ислох қилиш – бу мамлакатни барча соҳа ва тармоқларда жадал ривожланишига олиб келиши халқаро тажрибадан яхши маълум.

Жумладан, ушбу омил одамларнинг турмуш даражаси кўтарилишини таъминлайди, уларнинг фаровонлигини оширади. Шунингдек, ишчи-ходимларнинг рақобатлашуви оқибатида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига ва натижада ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларида юқори рақобатдошлигини таъминлаш имконини яратди. Бундан ташқари, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш солиқларнинг тушумини кўпайтиради, бу эса курсатилаётган хизматлар сифатини яхшилайд.

Шу маънода Президентнинг мазкур инсонпарвар ғояси кўпчиллик кўп йиллар интиқиб кутган, халқ дардига дармон бўлгуви ислохот сифатида катта мамнунлик билан қутиб олинди.

**Фурқат ЮНУСОВ,**  
**“Тараққиёт стратегияси” маркази**  
**лойиҳа раҳбари**

## Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИНГ ОЛИБ ҚЎЙИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН НОТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИ БУЗИЛИШГА ТУШГАН ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЕНГ ҚИЙМАТЛИ БИНО-ИНШОТ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИ АЖРАТИШ ҲАМДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида”ги (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 39-сон, 446-модда), “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 235-модда), “Балҳолаш фаолияти тўғрисида”ги (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси” 1999 йил, 9-сон, 208-модда) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 14 август) Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жағмаралар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида”ги 1047-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 27 декабрь) ҳамда 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибин тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 16 ноябрь) қарорларига мувофиқ, Тошкент шаҳрида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар (кейинги ўринларда – кўчмас мулк объектлари деб аталади) бузилиши оқибатида етказилган зарарларни қоплаш тартибин янада тақомиллаштириш мақсадида,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Тошкент шаҳрида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан нотураар жой объектлари бузилишга тушган юридик ва жисмоний шахсларга тенг қийматли бино-иншоот ва ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги Низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши оқибатида нотураар жой бинолари бузилишга тушган юридик ва жисмоний шахслар рўйхатини тузиш, тўлов миқдори ва компенсация турини (кўчмас мулк объектлари ёки ер участкалари) аниқлаш бўйича туман комиссияси (кейинги ўринларда – туман комиссияси деб аталади)нинг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ушбу туман комиссияси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.
- Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Л.Шайқиров), Молия бош бошқармаси (Л.Исмаиловлар):  
Тошкент шаҳрида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарларни пул маблағи ажратиш йўли билан қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жағмаралар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида”ги 1047-сонли қарори талабларига асосан ташкил этилган марказлаштирилган жағмаралар маблағларидан қоплаш белгиланганини инобатга олинсин.
- Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Хидоятлов), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК (М.Абдураҳмонов), Қурилиш бош бошқармаси (Б.Холматов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов), Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (Р.Аминов) ва туман ҳокимликлари:
- Тошкент шаҳрида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан, юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бузилишга тушган нотураар жой бино ва иншоотлар эвазига компенсация тариқасидаги кўчмас мулк объектлари ҳамда ер участкалари ажратиш ишлари қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Низоми талабларига мувофиқ амалга оширилиши таъминлансин.
- Тошкент шаҳар ҳокимининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Бечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
- Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.
- Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятлов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими  
**Ж.Артықходжаев**

2020 йил 4 март

## Кишилиқ жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бутун дунё халқларини ташвишга солаётган энг жиддий хавф-хатарлардан бирига айланди.

# ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Экологик хавф-хатар бутунги кунда иқлим ўзгариши, биохимла-хилликнинг қисқариши, озон қатламнинг емирилиши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши, экологик таъсир оқибатида одамларнинг касалланиши даражасининг ўсиши, сув ресурсларининг тақчиллиги ҳамда сифатининг ёмонлашувида намоён бўлмоқда.

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилаш” муаммосига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Мурожаатномада “Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлангич ислохотларни ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қурган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида “яшил белбоб”лар барпо этиш” вазифаси қўйилди.

Экологик хавф-хатарлар Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда, турли хил касалликларнинг келтириб чиқариб аҳоли саломатлигига жиддий путур етказмоқда, sanoat, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариши умумдорлигини пасайтирмоқда, аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу каби экологик хавф-хатарларнинг олдини олиш, экологик барқарорликка эришишда жамият, табият ва инсон ўзаро муносабатларни мувоzanатини бутунги кун талаблари даражасида тартибга солишга қаратилган, мукамал тақомиллаштирилган экологик қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, экологик қонунларни яратиш ўта мураккаблиги билан характерланади. Бунинг асосий сабаби табиий муҳитнинг миллий чегараларни билмаслиги, табиий кучларнинг инсон кучидан устунлиги, табиат объектларининг инсон меҳнати маҳсули эмаслиги, табиатнинг умумий қонуниятларининг жамият қонунларига бўйсунмаслигидир.

Бундан ташқари, экологик муносабатларда табиий ресурслардан фойдаланиш бош элемент, уларни муҳофаза этиш эса иккинчи даражали сифатида қаралмоқда. Экологик муносабатларни бу каби таъминоти асосида ҳуқуқий тартибга солиниши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишнинг хўжалиқ фаолиятини олиб боришдан устунлиги, фуқароларнинг қўлай атроф табиий муҳитга эга бўлиш хуқуқини кафолатлашнинг иккинчи даражада суриб қўймоқда.

Шу сабабдан, Мурожаатномада “sanoat ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш” муаммосига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида экология қонунларини шундай яратиш лозимки, бир томондан хўжалиқ фаолияти тараққиётини олиб боришдан устунлиги, фуқароларнинг қўлай атроф табиий муҳитга эга бўлиш хуқуқини кафолатлашнинг иккинчи даражада суриб қўймоқда.

Мурожаатномада “ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқиш, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш муҳим вазифа” сифатида эътироф этилди. Ушбу вазифани амалда таъминлаш учун экология қонунчилигида фаолият атраф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ёки тегишли мутахассислари зарур тайёргарлик даражасига эга бўлишини белгилаш, бу талаб уларни тегишли лавозимга тайинлаш, аттестациядан ўтказишда инобатга олиниши, бундай тайёргарликка эга бўлмаган шахслар махсус экологик билим талаб қиладиган лавозимга қўйилмаслигини ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

## МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ КЕНГ ЎРГАНИЛАДИ, ТАРҒИБ ЭТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуман якунида иштирокчилар билдирган тақлиф ва мулохазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ушбу тавсияларда Имом Мотуридидийнинг бой илмий мероси, ибратли ҳаёт йўли билан боғлиқ ўрганилмаган жиҳатларни тадқиқ этиш, аллома асарларидаги инсонпарварлик, бағрикенглик ҳамда адашган тоифаларга қарши раддия бериш борасидаги қимматли маълумотлардан самарали фойдаланиш, ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига алоҳида ургу берилган. Хусусан, аллома асарлари библиографиясини яратиш, китобларни кўпроқ нашр этиш, уларда илгари сурилган ғоя ва қарашларни содда тилда ёшларга ўрга-

тиш, махсус сайт яратиш, Имом Мотуридидий илмий мероси ва мотуридидия таълимоти ҳақида маълумот бериб бориш, кутубхона ташкил этиш бўйича тавсиялар билдирилди.

Шунингдек, анжуман қатнашчилари Ал-Азхар университет талабалари ва тадқиқотчилари ўртасида Имом Мотуридидий асарлари ва мотуридидия таълимоти бўйича аниқлаш таллов ўтказиш ҳамда бу таллов гўлибарининг Ўзбекистонга илмий ижодий сафарларини уюштириш ташаббусини билдирди.

Самарқандда катта шукӯҳ билан ўтган “Имом Абу Мансур Мотуридидий ва мотуридидия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари бағрикенг, меҳмондўст ўзбек халқига,

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**  
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**  
**Ўза мухбирлари**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ: МИНТАҚА ВА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТГА НАМУНА

### Тошкент ва Термиз шаҳарларида “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг вазирлик ва идоралари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилот ва дипломатик ваколатхоналар ходимлари, хорижий экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон эксперт-таҳлил дорларлари ва жамоатчилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар, Меҳнат, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Президент ҳузуридаги стратегик ва минтақалар орада тадқиқотлар институти, Республика реабилитация маркази ва бошқа ташкилотлар ҳам ушбу тадбир иштирокчиси ҳисобланади.

Тадбирга Нур-Султон ва Бишкек шаҳарлари меҳрияс раҳбарияти, ички ишлар идоралари, Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа тегишли идоралардан иборат Марказий Осиё давлатларининг етакчи экспертлари ҳам таширф бурюрган.

Маълумки, 2018 йил сентябрь ойида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш, жамиятга реинтеграция қилиш имкониятини таъминлаш тартиби тасдиқланди. Диний-экстремистик ҳаракатларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишдаги муҳим қадамлардан бири уларга нисбатан афв этиш ақлларидан фойдаланиш бўлди. Ўзбекистонда бу чора қамқода жазо ўтаётган 4 мингдан ортиқ қилмиш нисбатан қўланилиб, улар қилган ишларидан чин дилдан пушаймон бўлган ва ўзини янада тузатиш йўлига қатъий киришган инсонлардир.

2019 йилда Президентимиз ташаббуси билан “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик ҳаракатлари ташкил этилиб, ушбу тадбир доирасида 261 нафар аёл ва бола Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуроли тўқнашувлар ўқоғидан қайтарилди. Эрта реабилитация қилиш ва жамиятга реинтеграциясини осонлаштириш мақсадида бундай кишиларга ўз вақтида тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш

буйича давлат даражасида чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Бугунги кунга келиб барча репатриантлар тин ҳаётга мослашини учун зарур шароитлар – жамиятга интеграциялашув, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларга кириш, жумладан, уй-жой ва бандлик каби шароитлар яратилди.

Янги тематик сессиялар шаклида бўлиб ўтаётган конференциянинг биринчи кунинда “Қайтиб келганларни реинтеграция қилишнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари: миллий амалиёт шарҳи” ва “Реабилитация жараёнида ижтимоий дастурларнинг роли” мавзуларида маърузалар тинланди. Тадбирнинг амалий қисми сифатида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олиб бораётган ишларини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига таширф уюштирилди. Таширфнинг асосий мақсади сифатида қўйидагилар белгиланди: тиббий ёрдам, таълим ва бошқа ижтимоий дастурлардан фойдаланиш, шунингдек, психологик-ижтимоий ёрдам билан таъминлаш масалаларини ўрганиш; хорижий давлатлар ўзини қизғин муҳокима қилинадиган масалалар бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш; ушбу соҳаларда Ўзбекистоннинг ижобий тажрибасини минтақавий ва халқаро ҳамжамиятга етказишдан иборат.

Тадбир давомида оғоқлирни ошириш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар муҳокама қилинмоқда. Хусусан, реинтеграция ва диний-экстремистик ва террористик ташкилотларга боғлиқ шахсларни реабилитация қилиш соҳасида Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти сиёсатининг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишлари муҳокама қилиниб, “қайтиб келганлар”ни реабилитация қилиш бўйича муҳокама платформасини яратиш, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда қўшни мамлакатларда улардан фойдаланиш учун самарали, амалий тақрифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**  
**Ўза мухбири**

**Муҳаммад УСМОНОВ,**  
**юридик фанлари доктори, профессор**





# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҚАДРИЯТЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қиз-жувонлар эса тўпганишиб, боғлардаги азим дарахтларнинг шоҳларига арқон билан арғимчоқ ясашиб, “Йил бўйи билиб-билмай қилган гуноҳларимиз тўкилсин”, дея ҳалинчак учганлар. Ҳатто кекса момолар ҳам “оғирлигим эрга тушиб, енгил бўлайин”, деб арғимчоқ учиган. Ёшлар эса момолари ёшига етишни орзу-ният қилиб, уларга ҳам-роҳлик қилганлар. Ўзаро урушиб қолганлар яраштирилиб, гина-кудуратлар унутилган. Биргаллашиб баҳорни мадҳ этадиган қўшиқлар, лапарлар ижро этиб, баҳор айёми нишонланган...

Ҳар бири бир олам эзгу мақсадларга йўғрилган Наврўз билан боғлиқ маросимлар, урф-одату анъаналар талайгина. Эътиборли жиҳати шундаки, Наврўз анъаналари ҳақида тўхтаб эканмиз, уларнинг барчасида “кўпчилик билан биргаликда” де-

ган сўз бирикмаси такрор қўлланилиши кишини тўлқинлантиради. Чиндан ҳам халқимиз азалдан бир-бирига ёндош бўлиб, эзгу мақсад сари ўзаро бирдамликда, ҳамжиҳатликда яшаган. Буни кутлуғ қадрият – Наврўз мисолида яққол кўриш мумкин. Кўклам нафаси уфуриши билан юртимиз бўйлаб турли хонадонларда дошқозонлар осилиб, Наврўз шох таоми пиширилишининг гувоҳи бўламиз. Ажиб манзара... Сумалак пиширилаётган хонадон бамисоли тўйхонадек гавжум. Кўпни кўрган нуруний боболар “данагидан мағзи ширин” набираларига топилмоқлар, маталлар айтади. Момолар яхши ниют билан сумалак қовлаётган қиз-жувонлар билан бирга қаҳдийи термалар куйлайди. Тинчлик ва тотулиқда, аҳиллик ва иноқликда шодиёналар қилади. Катта-катта сайллар ташкил этади.

Ҳа, бугунги нурафшон кунларда Наврўз ўз тарихий умри давомида чинакамига қадр топиб, қад-

риабд қадрият сифатида нишонланиб келинмоқда. Ҳали ҳамон бу айём одамлар қалбига буюк бунёдкорлик ишларини амалга оширишда руҳий-маънавий қувват бериб келмоқда. Унинг замиридаги бирдамлик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, меҳр-муҳаббат сингари кўплаб эзгу гоёлар ўсиб келаятган бугунги кун ёшларининг юксак маънавияти бўлиб камол топишда муҳим аҳамиятга эга экани, шубҳасиз. Тарихи кўхна замонларга туташ бўлган, асрлар давомида интизорлик билан кутилиб, нишонланиб келинаётган Наврўз байрами донишманд халқимизнинг бой тафаккур маҳсули, маънавиятининг кўзгусидир. Ушбу маънавият буюлган баҳраманд бўлаётган давр эшларига Наврўз байрами чинакамига аждоқлардан муносиб мерос, бебаҳо тўхфадир.

**Мунис ЖЎРАЕВА, Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг фольклор бўлими катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

**Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

## АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

**Аёлларга эътибор қаратган, уларни эъозлаган юрт эгалари билимли, тadbиркор ва миллатпарвардир.**

## МЎЪТАБАР АЁЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова мамлакатимизда аёлларни, билим олишга иштиёки баланд қиларни қўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини ҳимоялаш, ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга устувор эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тоқимиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилганди.

Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ҳалол меҳнати билан оиланинг шаклланиши, унинг фаровонлиги мустаҳкамлашига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар мазкур кўкрак нишонига муносиб кўрилмоқда.

Ўтган йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан халқ эътирофи

сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган 290 нафар хотин-қиз тақдирланган эди.

2020 йилда кўкрак нишони йўриқномасига ўзгартириш киритилиб, ушбу нишон 50 ёшдан юқори бўлган, оиласидаги муҳит билан бошқаларга ўрнак бўлишни ҳаёт тарзига айлан-тирган аёлларга берилиши белгилаб қўйилди ва 287 нафар аёл “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига муносиб кўрилди. Тақдирланганлар орасида худудларда яшаб, ибратли фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимиз, мунис онахонларимиз ҳам бор. Улар турли соҳа вакиллари экани эътиборга молиқдир.

– Йигирма беш йилдан буён “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида ишлаётган, деди “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси Саноат Раҳимова. – Камтарона меҳнатларини эъозланганидан кўнглим осмон қадар юксалди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова мамлакатимизда аёл зотини улуглаш борасида кўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдириб, мушфиқ онахонларга бағишланган монологни ўқиб берди.

Санаъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт тадбирга янада файз бағишланди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири**

Аёл – миллат келажиги, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлар эъозланган, қадрланган юртининг бугуни ва эртаси фаровон бўлади. Шунинг учун ҳам аёлларга дунёдаги барча яхши тилаклар, истаklar айтилади. Аёлнинг муқаддас хилқат эканлиги шоирлар шеърларида такрор-такрор эътироф этилади.

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг юрибдику қулиб, жилмайиб. Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб.*

Дарҳақиқат, аёл – миллатнинг куч-қудрати, ифтихори яратувчиси. Аёл – она, жисму жонидан жон кўчириб, ҳаёт бағишловчи, тунлари бедор алла айтиб ором бағишловчи.

Аёл дунёдаги энг табарруқ зот, ҳаёт боши, фарзанд ижодкори. Аёл – инсон тафаккурининг гулшани, фазлу камолининг меҳрибони. У учун ўз фарзандларини тарбиялашдан, вояга етказишдан буюк бахт бўлмаса керак. Аёл фарзанди учун ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради, чидайди, фарзанди учун чеккан машаққатлардан хафа бўлиш ўрнига аксинча, ўзини бахтиёр ҳис қилади. Она фарзандининг эмизикли вақтида ширин уйқусидан кечиб бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Гўдагининг йиғиси боисини англаш учун ўртанган ҳолатларини, тили чикмаган чақалоқнинг истагини кўз олдингизга келтиринг...

Аёл – бу садокатли ёр, кўнгилларга завк-шавқ бағишловчи, ҳаётни гўзал қилувчи, ибодати ўзида муҳажасман этган бир хилқат.

Бу ҳақида Ҳазрат Навоий куйидагича ёзади:

*“Юз туман нопок эрдин яхшироқ, Пок хотинлар аёгининг изи”*

Ҳақиқатан ҳам, аёл нозик, гул мисоли гўзал, шабнамдек шаффоф... Аёл – темир-



## Хабарлар

### БОЛА ТАРБИЯСИДА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Кунни кеча “Адолат” СДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан 382-мактабгача таълим муассасасида партия лойиҳаси доирасида давра суҳбати ташкил этилди.**

Унда партия фаоллари, депутатлар ҳамда МТМ ходимлари катнашди. Суҳбат давомида МТМларда ташкил этилган дефектолог хизматининг фақатгина тайёрлов ва катта гуруҳ болалари билан ишлаш кўзда тутилганлиги айтиб ўтилди. Аммо 382-МТМ мудири Азиза Ҳасимова дефектолог мутахассис сифатида болаларнинг нутқ камчилигини қанча барвақт аниқлаб, устида ишласа, шунча уткиракор бўлишни кўйиниб гапирди. Чунки 3 ёшдан катта болаларнинг нутқидagi камчилиги патология ҳисобланганини маълум қилди. Ҳозирги кунда болалар билан инклюзив шуғулланишга ўтиш ҳам нотўғри қарор, дея фикрини очиқлади. Сабаб сифатида эса тили дудуқланган болалар бошқа соғлом болалар билан мулоқотга киришиб кетишида бир қанча муаммоларга дучор бўлади: болаларнинг қулиши, масҳара этишидан қароқ қолга келиши мумкинлиги, агар суҳбатга киришишда муаммо бўлмаган тақдирда бошқа болалар ҳам унга тақлид қилиб дудуқланишни барча дефектологлар ҳам тасдиқлаши мумкинлигини билдирди. Агар бу муаммога ҳам эътибор берилмаган тақдирда яна бошқа масала ҳам чиқиб қилишни айтиди, яъни, агар ҳар бир гуруҳда бунга болалардан камида биттадан бўлган тақдирда тарбиячи у билан алоҳида шуғулланишга тўғри келади. Бунинг оқибатида бошқа болаларга тарбиячининг вақти етмаслиги муаммоси келиб чиқши айтиб ўтилди.

Тадбир давомида шу ва бошқа масалалар кенг муҳокама қилинди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

**Айгул ПЕРНЕБЕКОВА, “Адолат” СДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси**

## ИЧКИ ВА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР

**Тошкентда “Суверен ва молиявий институтлар рейтинглари” мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва Банк-молия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда банк-молия вакиллари, халқаро молиявий ташкилотлар билан муносабатларни ривожлантириш, хорижий контрагентлар ва инвесторлар, шунингдек, халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик бўйича мутахассислар, қимматли қоғозларни капитал бозорига жойлаштириш, банкларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга иштирокдор ҳодимлар иштирок этди. Халқаро эксперт, “Газпромбанк” (Россия) ҳузуридаги Рейтинг масаладagi маркази директори ўринбосари Николай Шеразидишвили ва катта таҳлилчи Инал Кишмария “Кредит рейтингларига кириш”, “Суверен рейтинглар” ва “Молиявий компаниялар рейтинглари” мавзусида маъруза қилди. Машғулотлар давомида рейтингларнинг аҳамияти, кўрсаткичларни аниқлашдан қўзланган мақсад, майяна компания учун бўлажак иқтисодий ва барқарор самара, рейтинг бозоридagi глобал трендлар юзасидан фикр алмашилди.

– Ҳамкасбларимизга жаҳон молия бозорининг муҳим ва ажралмас бўлган ҳисобланган рейтинглар ҳақида маълумот бердик, – деди Николай Шеразидишвили. – Умуман, семинар давомида рейтинглар нима учун зарурлиги, жаҳон тажрибасида қандай турлари мавжудлиги ҳақида ҳам сўз борди. Шўъба йиғилиши халқаро рейтингларнинг бошланғич нуқтаси саналган мамлакат ичидagi, яъни суверен рейтинглар таҳлилига бағишланди. Табиийки, биз Ўзбекистоннинг бугунги кундаги кўрсаткичларга кўпроқ эътибор қаратдик. Рейтингларни шакллантиришдаги энг муҳим омиллар, банкларнинг алоҳида рейтинглари, асосий кўрсаткичларга таъсир ўтказадиган омиллар, минтақалар, шаҳарлар миқёсида аниқланганидан субсуверен рейтинглар мавзуси ҳам диққат марказида бўлди.

Ўзбекистоннинг суверен рейтинглари шарҳи, мамлакатимиздаги йирик банклар рейтингини таҳлили, рейтинглар тузилишидаги ҳал қилувчи омиллар бўйича ўтказилган тақдимотлар иштироқчиларда катта қизиқиш уйғотди. Рейтинги тузишдаги энг муҳим омиллар, рейтингларнинг капитал бозоридagi фоиз ставкаларига қай тарзда таъсир кўрсатиши мумкинлиги, рейтинг агентликларининг иш услубидagi фарқли жиҳатлар рейтинг кўрсаткичларида акс этиши каби масалалар тингловчилар ва экспертлар ўртасида кизгин мунозара шаклида таҳлил этилди.

**Ғ.ХОННАЗАРОВ, ЎЗА муҳбири**

## Хайрли ташаббус

### МАҲАЛЛАДА “КИТОБ ЖАВОНИ” ТАДБИРИ

**Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган эди.**

Ушбу ташаббуслар доирасида Тошкент архитектура-қурилиш институти Бино ва иншоотлар қурилиши факультети томонидан Шайхонтохур туманида жойлашган “Урда” маҳалла фуқаролар йиғинида “МФЙ китоб жавони” акцияси тадбири ўтказилди.

Акция давомида “Урда” маҳалла фуқаролар йиғини кутубхона фондини янада бойитиш ва маҳалладаги ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институти Бино ва иншоотлар қурилиши факультети томонидан 70 жылдаги жаҳон адабиёти ва бадиий китоблар топширилди. Тадбирда “Урда” маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари, институтнинг “Жисмоний тарбия ва психология” кафедраси ўқитувчиларидан М.Мақкамова, Н. Арипова, Л.Холмаматовалар фаол иштирок этишди.

**Нигора АЛИМОВА, “Жисмоний тарбия ва психология” кафедрасининг катта ўқитувчиси**

## АТГ-01 УСКУНАСИ ИНСОННИНГ ТўЛАҚОНЛИ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

**Нафақат инсон ҳаётини, балки унинг онгини ҳам сақлаб қолиш жуда муҳим. Бизнинг тўлақонли ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташаббуси билан Республика шовилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг нейроразроҳлик бўлимида ўрнатилган АТГ-01 ускунасини фойдаланиб церебрал гипотермия усули орқали беморларга ёрдам берилмоқда.**

Ҳозирги пайтда мазкур инновацион ускуна Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилмоқда. Марказда шифокорлар унинг кўмагида ҳар кун инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун курашишяпти. Россиядан келтирилган замонавий ускунанинг имкониятлари ҳусусида бўлим мудири Хуршид Дадаевнинг фикрлари билан қизиқдик.

– Хуршид Ҳамиджонович, Миллий палата ташаббуси билан нейроразроҳлик бўлимига синонадан ўтказиш учун Россиядан келтириб ўрнатилган “АТГ-01” ускунасини қандай фойдаланилмоқда?

– Ускуна церебрал гипотермия усулини қўллаш мақсадида ўтган йилнинг октябрь ойида келтирилган эди. Унда самарали фойдаланишга тайёри, яъни ускуна тўхтовсиз ишламоқда. Бугунгача 20 нафар бемор бу ускунадан ўтказилди.

– АТГ-01 ускунасини шифокорлар қандай ҳолатларда қўллашмоқда?

– Церебрал гипотермия усули, бошқача қилиб айтганда, мияни жаҳон стандартлари талаблари асосида соғитиш турли сабабларга кўра мияни жароҳатланган беморларга қўлланилади. Бу реанимациядан кейинги ҳолат, ишемик ва геморрагик инсульт бўлиши мумкин. Бундай беморларда мияда қон айланганининг бузилиши ва мия ишемиясининг ривожланиши, турли генезислари бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

– Аналиёт АТГ-01 ускунасини беморларга қандай ҳолатларда қўллаш мумкинлигини кўрсатди?

– Бизнинг амалиётимизда АТГ-01 ускунасини мияни соғитиш (гипотермия) жараёнида камида 48 соат тўхтовсиз ишлатилади. Беморнинг бошига ускунанинг махсус бош кийими (шлем) кийдирилиб, етти кеча-кундуз тўхтовсиз ишлатилган пайтида ҳам бўлади.

– Бемор бу пайтда қандай ҳолатда бўлади?

– Ҳўшсиз бўлади. Ҳўшсиз ҳолат – беморнинг қонгеги мия фаолияти жараёни бўлиши, онгининг суяшчи мияда юзга келган муаммолардан келиб чиқади. Бу вақтда бемор комада ёки сопор (онгининг чуқур чарчаган ва мустақил равишда идорқ эга олмайдиган ҳолати)да бўлади. Гипотермия усули мияни оғир асоратли ҳолатлардан сақлайди ва юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олди олинади.

– Сизнинг назарингизда АТГ-01нинг қўллашдаги инновация нимадан иборат?

– Ушбу ускуна мияни тўғридан-тўғри соғитиш имкониятига эга. Кўпгина мамлакатларда бўлгани каби бемор организмга турли дори ва перепаратларни юбориш орқали, яъни инъекция ёрдамида бутун тана соғитилади. АТГ-01 ускунасида эса махсус бош кийим (шлем) бор. У беморнинг бошига кийдирилади ва ташқаридан мия соғитилади. Шлем орқали соғитиш мода бўлибди яна шифокор томонидан назорат қилинади. Масалан, Цельсий шкаласи бўйича 35 даража белгилаб қўйилса, мия фаолияти суясида ҳамда бемор тинчланиб, дам олади. Бу бемор келиб тушгандаги ҳолатни ушлаб қолиш ва салбий оқибатлар юз беришининг олдини олади. Бунда нафақат инсон ҳаёти, балки унинг онги ҳам сақлаб қолинади.

Қинда бўлимга эҳтиётсизлик оқибатида пневматик қуролдан отилган ўқдан мия қисми жароҳатланган бемор келтирилади. Уқ мияда қолиб қолган. Мияга жуда кўп миқдорда қон қўйилган бўлиб, бемор кома ҳолатига тушган. АТГ-01 ёрдамида биз унинг миясини қариёб 6 кеча-кундуз тўхтовсиз соғитдик. Айни пайтда бемор ҳушига келган. У қайта тикланиш жараёнида.

Ушбу беморимиз нафақат ҳушига келди, балки унинг онги ҳам бутунлай тикланди. Ҳозир у ён-атрофдаги гап-сўзларни тушунади, қариндошлари билан мулоқотда бўлаяпти. Ижтимоий кўникмалари тикланди. Демак, унинг нафақат ҳаётини, онгини ҳам сақлаб қолишга эришдик. – Бу жараёнда ушбу ускуна айнан нимага ёрдам берди?

– Ушбу ҳолатда биз менингоцефалитдан, яъни мияни шамоллаб қолишдан жуда хавотирда эдик. Мияда ёт жисмининг бўлиши кўп ҳолларда менингоцефалитга олиб келади. Бу ҳолатда беморнинг соғайиш жараёни секин кечеди. Яна бир қарра такрорлайман, биз нафақат инсон ҳаётини, балки унинг онгини ҳам сақлаб қолишга эришдик. Шу орқали у тўлақонли ҳаётга физиологик ва ақлий жиҳатдан қайтиш имконига эга бўлди. Ҳар бир инсон учун бу жуда аҳамиятга эришдик деб айта оламиз. Яна бир мисол. Ҳозирда бир аёлни бир неча турдаги жароҳатлар билан шифохонага олиб келишди. Унинг ўлкасидаги трамвайга олибди оқибатида юрак тўхтаб қолган эди. Биз уни беш дақиқа ичида жонлантириб, дарҳол АТГ-01 ускунасига уладик ва 72 соат давомида гипотермияни қўлладик. Ҳозирда у тўлиқ ўзига келган ва ҳолати яхши. Бўлимга ўтказишга тайёрлашимиз. Демак, натижаларимиз ёмон эмас.

АТГ-01 бемор ҳарорати мониторингини олиб бориш имконини ҳам беради. Бунинг учун иккита датчик ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида гипотермия жараёни тўлиқ назорат қилинади.

Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси томонидан айнан шу ускунага эътибор қаратилганига айни муддао бўлди. Мазкур ускуна ёрдамида беморларни самарали даволаш борасида олдинга кадам қўйилди. Инсон мияси жуда нозик аъзо. Бекорга у бош қанोगи билан ғимояланмаган. Шифокорлар тилида “терапевтик даража” деган атама мавжуд. Бу – мия жароҳат оланган кейинги дастлабки 6 соатдир. Шу вақт ичида бир инсоннинг тақдир ҳал бўлади. Биз шифокорлар учун улғуриш жуда муҳим. АТГ-01 эса миянинг кейинги парчаланишининг олдини олади. Жабранган беморни ҳаётга тўлиқ ва соғлом қайтариш имконини оширишга хизмат қилади.

– “Дунё” ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан ҳамкорликда тайёрланди



# ИҚТИДОРЛИ, ТАШАБУСКОР ТАЛАБАЛАР УЧУН

**Ўзсаноатқурилишбанк томонидан республикаимиз олий ўқув юртлари, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг ўзбекистондаги филиаллари ҳамда чөл элдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик фуқаролар учун SQB стипендияси жорий қилинди.**

Стипендия миқдори республика ҳудудида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баробаригача этиб белгиланади.

SQB стипендияси молия, иқтисод, ахборот технологиялари, математика, ҳуқуқ ва банкнинг бизнес жараёнлари билан боғлиқ бошқа зарур мутахассисликлари бўйича бакалавр йўналишининг 3-4-босқич ва магистратура бўлимида таҳсил олаётган иқтидорли, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган, юқори билим ва малакага эга, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган ҳамда ўқини муваффақиятли давом эттираётган (тамомлаётган) талабаларни танлов ва саралаб олиш асосида тўланади.

Бунда талаба-ёшларнинг ўқув жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичларга эга бўлиши, давлат ва хорижий тиллар (камда битта) ни мукаммал билишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, талабгорлар SQB стипендияси бўйича банк тизимида тўзилган Экспертлар гуруҳи томонидан суҳбат ва тест синовларидан ўтказилади.

Банк фаолиятига оид фанлар, ахборот технологиялари, математика йўналиши бўйича халқаро ёки республика олимпиадаси совриндорларига эса танлов якунида устуворлик берилди.

Маъмур лойиҳа банк тизимида ишлаб чиқилган янги HR стратегияси асосида амалга оширилмоқда, — дейди Ўзсаноатқурилиш-банк Ходимлари бошқаруви департаменти директори А.Нодиров. — Бунда банкни трансформация қилиш жараёнида кадрлар сиёсатини самарали юритиш, ҳусусан, ходимлар захирасини ўқишда, илмий изланишда ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол бўлган иқтидорли, ёш кадрлар билан тўлдириш ва шу билан бир қаторда олий ўқув юртлари талабаларига банк ва ахборот технологиялари йўналишида профессионал фаолият бошлалари учун қулай имконият яратиш мақсади кўзда тутилган.

SQB стипендияси танловида иштирок этиш ва номзодлардан ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисида батафсил яқин кунларда эълон қилинади.

**Банк Ахборот хизмати**



## Футбол янгилклари

### ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

**Ниҳоят ўзбекистонлик футбол мухлислари ориқиб кутган кунлар этиб келди.**

Футбол бўйича Суперлига жамоалари жорий йилги мамлакат биринчилигининг 1-турида ўзаро беллашишди. Айтиш жоизки, дастлабки турнир "Қўқон - 1912", "Машъал", "Бунёдкор", "Пахтакор", "Локомотив" ғалаба билан бошланди.

Биринчи турда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Пахтакор" — "Навбахор" — 2:1, "Қўқон - 1912" — "Бухоро" — 3:0, "Локомотив" — "Андижон" — 2:1, "Машъал" — "Сўғдиёна" — 3:0, АГМК — "Металлург" — 1:1, "Сурхон" — "Бунёдкор" — 1:3, "Қизилқум" — "Насаф" — 1:3.

Сермаҳсул голларга бой ўтган дастлабки турда Игорь Сергеев, Мурод Холмухаммедов, Бобур Абдуқолиқов рақиблар дарвозасига иккитадан гол киритишди.

**Ақбар Йўлдошев**

# "АДОЛАТ БОҒИНИ БИРГА ЯРАТАМИЗ"

**Ўзбек халқининг қадимий урф-одатларига кўра, боғ яратиш анъанаси неча минг йиллардан буйн давом этиб келмоқда. Халқимизда "Яхшидан боғ қолади", деган пурмаъно нақл ҳам айнан ушбу сўз моҳиятини оқиб беради.**

Шундай савобли ишга бош қўшган "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам депутатлар иштирокида яқинда "Адолат боғини бирга яратамиз" акциясини ўтказди. Акция доирасида Юнусобод туманидаги бир қанча жойларга қўқаламзорлаштириш мақсадида меваали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Хусусан, "Беғубор", "Меҳнатобод" маҳаллалари ва мактаблар атрофида арча, терак, сосна каби 1200га яқин дарахтлар экилд.

— Маъмур қарар республика миқёсида эълон қилинган "Бир миллион дарахт" лойиҳасининг узвий давоми сифатида ўтказилди, — дейди Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши депутати Қажрамон Маҳаматқуллов. — Баҳорий мавсум арасида акцияни давом эттириб, депутатлар ва партия фаоллари "адолат боғини" барпо этишга ҳисса қўшдик. Бу орқали қанчадан қанча жойлар келгусида яшил масканга айланиши учун замин хозирланди.

**Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА**

## "101"

### АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ Йўлида

Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз бераётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, электр асбоблари ва машиний техника воситаларида нотўғри фойдаланиш, маъмуриятнинг каровсизлиги, бефарқлик, умуман ёнгин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда қўлаб ёнгин чикши ҳолатлари учрамоқда. Уа мол-мулки ва албатта жамоат, давлат мулкни кўз қорачидек сақлаш ва араба-авайлаш бар биримизнинг бурчимиздир.

**Хайрулла ПОЗИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Биносида ЭХТЭЗ 3-бўлими бошлиғи, капитан

Кимларнингдир бефарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнгинлар натижасида шахримиздаги корхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас.

Шундай ҳолатга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши оқибатида бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнгиннинг ҳам, куйиш ҳолатининг ҳам олдини олган бўламиз!

**Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Биносида ЭХТЭЗ 3-бўлими мутахассиси, кичик сержант

Ёнгин қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиси изини қолдирди. Корхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнгинлар ходимларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиши билан бирга иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади. Корхона-ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Азимасдек тўулган носозлик ҳам ёнгинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

**Фарҳод МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Биносида ЭХТЭЗ 1-бўлими ёнгин ва ПБ инспектори, катта лейтенант

Ёнгин хавфсизлиги ходимлари фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чакирадилар. Уйдан чиқётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчириши унутманг. Азиз фарзандларимизни бир умрга ногирон ёки мурғак умри хазон бўлишига йўл қўйманг.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаблар оқибатида юзага келувчи "тилизис ёв"нинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огохлик ва хушёрлигини оширишдан иборат.

**Сайдулло УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат Биносида ЭХТЭЗ 1-бўлими ёнгин ва ПБ инспектори, оддий аскар

Ёнгин — инсоният ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларини йўқ қилувчи жараён. Корхона-ташкилотлар биналари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини оламиз. Азимасдек тўулган носозликлар ҳам ёнгинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

**Умид БОТИРОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ ВМ аппарати Ҳуқумат уйи Биносида фойдаланиш бошқармасида ЭХТЭЗ катта инспектори, катта лейтенант

Таҳлил ва кузатишлар натижаларига кўра, фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиши, спиртли ичимлик ичиб, тамаки чекиш оқибатида келиб чиққан ёнгинлардан қарим ўз вақтида ҳушга чиқариб олмаётгани таъжубли ҳолатдир.

Ёнгинни "тилизис ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фақулзда оддам ҳаёти, мол-мулкига таъвоуз қиладиган оғатлар ичида энг каттасидир. Шундай экан кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун белгиланган қоидаларга амал қилилай.

**Бахитжон АНДАБАЕВ,**  
"Бунёдкор" стадиони ФВБ Ёнгин назорати ва профилактика инспектори, катта сержант

Шахримизда содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда.

Хонадонларда газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда қўлаб фуқароларимиз кўпол равишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузишлари натижасида уй-жойлари талафот кўраётди.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ёнгиндан сараган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Маъруфжон ШАРИФОВ,**  
Исроил МАМАДАДЗИКIROBВ,  
Яқасарой тумани ФВБ П ва НБ инспекторлари

Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли турар жойлари, корхона, ташкилот, айниқса, мактаб, Меҳрибонлик уйлари, мактабга таълим ва даволаш муассасаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли профилактика ишлар олиб беришмоқда.

Кенг омма орасида содир бўлаётган ёнгинлар ва уларнинг таъсилотлари ҳақида тушунтиришлар берилмоқда. Бундан қўланган мақсад "тилизис ёв" натижасида чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олишдир.

**Мирраиз ТОИРОВ,**  
Ёнгин назорати ва профилактика мутахассиси

Ёнгин сабабли йилга қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, саломатлигиндан айрилиди, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотди.

Аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни анқилаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказилиб, анқилган камчиларни баргараф этиш чоралари кўриломоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш муҳимлигини унутманг.

**Мамурбек МИРЗАБЕКОВ,**  
Анжуманлар саройи ЭХТЭЗ инспектори,  
Комилжон МАХКАМОВ,  
Анжуманлар саройи ЭХТЭЗ мутахассиси

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 6 март кунини ҳаво ўзгариш турати, кечкурун қиска мудатли ёлғир ёғади. Фардан сеқундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3-5 даража илқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳр ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосиланиш даражаси даст бўлади.

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги № 4388-сонли Қарорининг 7-бандига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 августдаги № 685-сонли қарорига биноан "MURUVVAT-TEKS" МЧЖнинг 2020 йил 7 февралдаги 23/Д-20-сонли буюртманомасига асосан Хоразм вилояти Гурлан тумани, Сахтин қишлоғи, Мустақиллик кўчаси, 5-уйда жойлашган "Гурлан Трико-таж Фабрикаси" мулкни мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 97 062 520 555 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 10 март кунини соат 15:00да Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Юқоридagi кўчмас мулклар белгиланган кунда сотилмаган тақдирда 7 йилгача бўлган муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2020 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтанинг ҳар шешанба кунини соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти оқлантилади.

Талабгорлар мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519га савдода иштирок этиш учун ариза топширувунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (0371) 237-23-96. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

*Лицензия RR-0001*

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2020 йил 3 мартдаги 229-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Улғунор туманида жойлашган, умумий майдони 4893,36 кв.метр, курилши ости майдони 724,78 кв.метр 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Улғунор деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 2 659 118 000 сўм.
2. Сирдарё вилояти, Сайхунбод туманида жойлашган, умумий майдони 864,24 кв.метр, курилши ости майдони 765,14 кв.метр, 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Сайхунбод деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 3 179 300 000 сўм.
3. Сурхондарё вилояти, Оптинсой туманида жойлашган, умумий майдони 988,91 кв.метр, курилши ости майдони 886,81 кв.метр 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Оптинсой деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 2 779 800 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 19 март кунини соат 11:00да Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридagi кўчмас мулк 2020 йил 19 март сотилма-

ган тақдирда такрорий савдолари 2020 йил 23, 26 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти оқлантилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519га савдода иштирок этиш учун ариза топширувунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (71) 237-23-96. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

*Лицензия RR-0001*

**Тошкент Оқшоми**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёқи «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахиринг компьютер марказида терида ва саҳифаланди.

ШАРҚ: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г-346

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1210 нусхадда босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси, Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга топирилди: 14.45